

ЎСМИРЛАРДАГИ АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОР ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.

Фозилова Масрура Жумановна

Педагогика ва психология йўналишининг

3-курс докторанти (PhD)

Annotatsiya: Жаҳон психологиясида болалар ва ёшлар орасидаги агрессив хулқ-атвор муаммосини ўрганишга алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Мақолада агрессивликнинг биологик, психологик, ижтимоий, ижтимоий-психологик детерминантлари ва агрессив хулқ атвор репрезентациясига хос хусусиятлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Агрессия, хулқ-атвор, ўсмирлик даври, мотивлар, психология.

AGGRESSIVE BEHAVIOR IN ADOLESCENTS AND ITS PREVENTION.

Fozilova Masrura Jumanovna of a

doctoral student (Phd) 3 course specia

by pedagogy and psychology

Annotation. In world psychology, the study of the problem of aggressive behavior among children and adolescents is given special attention as a research area. The article explores the biological, psychological, social, socio-psychological determinants of aggression and the characteristics of aggressive behavior representation.

Key words: Aggression, behavior, adolescence, motives, psychology.

Агрессия ва агрессивлик тушунчатарини бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш лозимдир. Агрессия - бу одамлар, ёки инсонлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва рухий зарар егказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Агрессивлик — шахсинг нисбатан барқарор хусусияти бўлиб, у тажовузкорликка тайёргарликни ифодалаш билан бирга, душманлик асосида бошқаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини қабул қилиш ва тушунишга мойилликни

билдиради. Агрессивлик барқарорлик кучи ҳамда шахс тузилишининг бир қисми сифатида хулқ-атворнинг умумий тенденциясини олдиндан аниқлаш имкониятига эга булади.

Психологияда “агрессия” тушунчаси турлича ёндошув асосида таҳлил қилинган булиб, бир гуруҳ тадқиқотчилар агрессияни салбий хулқ-атвор модели сифатида баҳолашар, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар бу хулқ-атворнинг ижобий томонлари ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар. “Бизлар, - деб ёзади Р. Кратчфилд ва Н.Ливсонлар - агрессия ахлоқийликнинг акси демоқчи эмасми: зотан агрессиянинг баъзи бир шакллари ахлоқсизлик сифатида қаралмайди. Бироқ, у аксарият ҳолларда ахлоқсизликдир, шунинг учун ахлоқийликни ўзлаштирилшига маъсул механизмлар агрессив импульслар ижтимоийлашуви негизида ҳам ётади”. Улар агрессиянинг икки бир-бирини инкор этмайдиган ва бирдай мақбул тавсифларини берганлар

Агрессиянинг биологик ва психологик асослари кўплаб олимлар томонидан ўрганилган (К.Лоренц этологик ёндашув; У.Дейли ва К.Уилсон, Д.Басс ва С.Шейклфорд эволюционистик ёндашув; З.Фрейд, Ди Лалла ва Готтесман генетик ёндашув; Л.Берковиц, Ле Паж, С.Л.Миллер фрустрация агрессия ёндашув). Болалик ва ўсмирлик давридаги психик хусусиятларни ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари хулқ-атвор, жумладан, агрессив хулқ муаммосини тадқиқ этишга қўшган ҳиссаси очиб берилди. Шахснинг ҳиссий-эмоционал соҳасини тадқиқ этишга қаратилган ишларда (Г.А.Богдалова, Г.В.Хрульнова, Б.М.Умаров, Л.В.Назирова, М.Ш.Расулева, А.Б.Сабилова) агрессия муаммосига яқин масалалар таҳлили берилди. Жумладан, М.Далимованинг илмий тадқиқот иши болалардаги тобе ахлоқ ва унинг психологик моҳияти, компьютер ўйинларига тобелликни келтириб чиқарувчи омиллар, компьютер ўйинларига тобеллик ўсмирларда вербал ва жисмоний агрессиянинг ортишини, бу билвосита агрессиянинг ҳамтуғилишига туртки бўлганлигини аниқланган. Тожикистон олимлари томонидан ўсмирлик даврида ҳиссий ҳолатлар, ўсмир шахси шаклланишига

таъсир этувчи омиллар муаммолари хақида тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аммо, агрессив хулқ-атвор муаммоси махсус психологик тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўсмирлар агрессив хулқ-атвори мотивлари хақида педагогларда шаклланган тасаввурларни аниқлаш мақсадида ўқитувчиларда “Агрессив хулқ мотивларини аниқлаш” сўровномасидан фойдаланилган. Сўровнома пайтида ўқитувчилар турли ёш гуруҳларида (5, 7, 9-синфлар) ўғил болаларнинг бир-бири билан ҳамда қиз болаларнинг ўзаро муносабатларида агрессив хулқ-атвор юзага келишини тақозо этувчи турли сабабларнинг аҳамиятини баҳоладилар.

Педагоглар фикрича, агрессив хулқ-атвор ижтимоий-гуруҳий тавсифлар (гуруҳда юқори мавқе учун курашиш, гуруҳдаги паст мавқени ошириш истаги, гуруҳда ўзининг устунлигини кўрсатишга интилиш), гуруҳий идентификация(бегона гуруҳ олдида ўз гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилиш), ғоявий қарама-қаршиликлар(қизиқишлар, қадриятлар, фикрлар тўқнашуви, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш) мотивлари таъсирида намоён бўлар экан. 5 ва 7-синф ўқувчиларида ички гуруҳий мавқе даражаси аҳамиятининг ошиши нафақат гуруҳга мансублик ҳиссининг кучайиши ҳисобига, балки катта бўлиш истаги кучайиши сабабли ҳам юзага келади. 7-синфдан9-синфга ўтиш биринчи навбатда шахслараро ўзаро муносабатларнинг мураккаблашуви билан тавсифланади. Бу ўсмирларнинг агрессивлигини келтириб чиқарувчи гижгижлашга қарши реакция, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, қизиқишлар, қадриятлар ва фикрлар тўқнашуви, қарама-қарши жинсни эътиборига тушиш, рақибга нисбатан рашк ҳиссини намоён этиш сабабларининг аҳамияти ошишида ўз аксини топди.

Ўқитувчиларнинг баҳолаши бўйича мазкур ёш даврида ўқувчи юқорида таъкидлаб ўтилган “Биз ҳисси” ни намоён қилишга эмас, балки ўз мавқеини белгилаб олишга ва шахсий идентификацияга йўналганлиги билан

ажралиб туради. Шунингдек, ғоявий қарама-қаршиликлар ва ўзаро индивидуал тўқнашувлар билан боғлиқ ўқувчилар агрессив хулқ-атворининг сабаблари аниқланди. Шундай қилиб, мазкур ёш давридаги ўқувчилар агрессив хулқ-атворининг сабабларини ўқитувчилар томонидан баҳоланишида пубертат босқич билан боғлиқ ёш хусусиятларини акс эттирувчи сифатлар ҳамда ўсмир шахси шаклланишини тавсифловчи ўз мавқеини белгилаб олиш, шахсий идентификация хусусиятлари билан боғлиқ комплекс сабаблар муҳимлиги қайд этилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўсмирларда агрессив хулқ-атвор ижтимоий-гуруҳий тавсифлар (гуруҳда юқори статус учун курашиш, гуруҳда паст мавқени кўтариш, гуруҳда ўзининг устунлигини кўрсатишга интилиш), гуруҳий идентификация (бегона гуруҳ олдида ўз гуруҳи қизиқишларини ҳимоя қилиш), ғоявий қарама қаршиликлар (қизиқишлар, қадриятлар, фикрлар тўқнашуви, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш) каби мотивлар таъсирида юзага келади.
2. Агрессив хулқ-атворнинг ёш хусусиятларидаги ўзига хос микроёш динамикаси аниқланиб бунда агрессия 5-синф ўқувчиларида билвосита агрессия, жиззакилик ҳамда жисмоний агрессия кўринишида, 7-синф ўқувчиларида жисмоний, вербал агрессия, негативизм, шубҳаланувчанлик, хафагарчилик, айбдорлик ҳисси шаклида, 9-синф ўқувчилари ҳам жисмоний, вербал агрессия ҳамда жиззакилик шаклида ифодаланади.
3. Миқдорий таҳлилда ўрта ўсмирлик даврида(12-13 ёш) агрессияни намоён этиш бўйича бошқа ёш даврларига нисбатан юқори кўрсаткич аниқланиб бу“ўтиш инқироз”ининг энг шиддатли кечаётган даври хусусиятлари жумладан, бундай ёшда агрессив бўлиш кўпинча“кучли бўлиш ёки шундай туюлиш” ни англатиши билан изоҳланади.
4. Ўсмирлар агрессивлигидаги жинс тафовутларида аниқланишича 7-инфдаги ўғил болаларда жисмоний агрессия ва айбдорлик ҳисси (аутоагрессия) қизларга қараганда юқори бўлса, билвосита агрессияда 7-синф қизлари бевосита эмас балки, билвосита агрессия кўринишлари–аразлаш,

гина сақлаш, ортидан гапириш, чақимчилик, ғийбат каби ҳолатларни намоён этадилар.

5. Агрессивлик шакллари билан ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг интеркорреляцион боғланишларидан маълум бўлдики, “қабул қилиш” ва “кооперация” муносабатлари агрессивлик шаклларида жисмоний агрессия, шубҳаланувчанлик, айбдорлик ҳисси ва агрессиянинг умумий кўрсаткичларини оширади, ва аксинча, “авторитар гипержетимой” тарбия услубида жисмоний агрессия, шубҳаланувчанлик, айбдорлик ҳисси, душманлик муносабати каби кўрсаткичларнинг камайтиради.

6. Ўсмирлардаги агрессив хулқ-атворни коррекция қилиш мақсадида ишлаб чиқилган “Хулқ-атворни модификациялаш тренинги” дастурига киритилган коррекцион техникалар ва агрессив хулқ-атворни босқичма-босқич ўзгартириш модели яъни, шахснинг ўзини-ўзи ва ўз ҳис-туйғуларини англаш, ўз шахсини қайта баҳолаш, ҳиссиётлар устида ишлаш, агрессив хулқ-атворни англаш, шахслараро муносабатдаги қийинчиликлар, когнитив жараёнларни ривожлантириш, баркамолликка интилиш, ота-она ва педагоглар билан ишлаш каби машғулотлар мажмуи қўлланилди.

7. Ўсмирлар билан амалга оширилган коррекцион тактикаси самарадорлиги билан эътиборга лойиқ. Амалиёт натижасида экспериментал гуруҳда агрессивликнинг пасайиши кузатилгани, математик статистик таҳлилда тажриба гуруҳида юқори даражадаги аҳамиятли кўрсаткичлар намоён бўлгани, назорат гуруҳида олинган таҳлил натижаларида эса аҳамиятсиз кўрсаткичлар аниқлангани дастур самарадорлигини таъкидлашга асос бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бандура А, Уолтерс Р. Подростковая агрессия: изучение влияния воспитания и семейных отношений. - М.: Эксмо пресс. 2000. – С.45-58.
2. Бэрон Р. Агрессия. СПб.: 2002. – С.44-64.;
3. Barnett O., Miller-Perrin C.L. (1997). Family violence across the lifespan.

4. Thousand Oaks, CA: Sage., Buss A. The psychology of aggression.– N.Y.– 1961.132p.;
5. Крейхи Б. Социальная психология агрессии. – М.: Питер, 2003. – С.56-70.